XALQ DEPUTATLARI YANGIOBOD TUMANI KENGASH QARORI

2023 - yil 12 - yanvar VI-50-4-3-54-K/23 Yangiobod tumani hokimligi

Янгиобод туманида Юридик ва жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставка миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддаларига асосан 2023 йил учун Янгиобод туманида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2023 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш мақсадида Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2023 йил 6 январдаги VI-41-3-3-0-K/23-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ Янгиобод тумани учун белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) бўйича мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Р.Абдуғаниев, туман ҳокимлиги молия бўлими (Т.Шодмонқулов), туман солиқ инспекцияси (А.Суюнов)лар 2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари,

солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5.Мазкур қарор “Янгиобод овози” газетаси ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида расман эълон қилинсин.

6.Қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Р.Абдуғаниев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **И.Қаршибоев**

Xalq deputatlari Yangiobod
tuman Kengashining
2023 yil 12 yanvardagi
VI-50-4-3-54-K/23-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

№	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан 1 гектар учун баъзавий солиқ ставкаси, млн. сўмда	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент *(0,7-3,0)*		Туман кесимида 1 гектар учун ер солиғи млн. сўмда
			камайтирувчи	Оширувчи	
1	***2***	***3***	***4***	***5***	***6***
1.	Янгиобод ШФЙ	28,48	0,95		27,056
2.	Совот ҚФЙ	28,48	0,95		27,056
3.	Баландчақир МФЙ	28,48	0,85		24,208
4.	Хўжамушкент ҚФЙ	28,48	0,9		25,632
5.	Дўстлик МФЙ	28,48	0,9		25,632
6.	Хавотоғ ҚФЙ	28,48	0,85		24,208
7.	Шодлик МФЙ	28,48	0,9		25,632
8.	Сармич МФЙ	28,48	0,9		25,632

Xalq deputatlari Yangiobod
tuman Kengashining
2023 yil 12 yanvardagi
VI-50-4-3-54-K/23-son qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

№	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси, сўмда	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,7-3,0)		Туман кесимида 1 кв.м учун ер солиғи, сўмда
			камайтирувчи	Оширувчи	
1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**
1.	Янгиобод ШФЙ	288,86	0,85		245,53
2.	Совот ҚФЙ	288,86	0,70		202,20
3.	Баландчақир МФЙ	288,86	0,70		202,20
4.	Хўжамушкент ҚФЙ	288,86	0,70		202,20
5.	Дўстлик МФЙ	288,86	0,70		202,20
6.	Ҳавотоғ ҚФЙ	288,86	0,70		202,20
7.	Шодлик МФЙ	288,86	0,70		202,20
8.	Сармич МФЙ	288,86	0,70		202,20